

Mustaqillik huquq demakdir

# HUQUQ

# 21

(284)

YURIDIK GAZETA

May

|     |   |    |    |    |    |
|-----|---|----|----|----|----|
| D.  | 5 | 12 | 19 | 26 |    |
| S.  | 6 | 13 | 20 | 27 |    |
| Ch. | 7 | 14 | 21 | 28 |    |
| P.  | 1 | 8  | 15 | 22 | 29 |
| J.  | 2 | 9  | 16 | 23 | 30 |
| Sh. | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Y.  | 4 | 11 | 18 | 25 |    |

2003

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

E-mail: [huquq@infonet.uz](mailto:huquq@infonet.uz)

## Чоршанбадан Чоршанбагача

21 май  
Ўзбекистон Республикаси Президенти «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг етмиш йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Хоразм ва Андижон вилоят прокуратураларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш ҳамда фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини ялпи текшириш натижалари муҳокама этилди.

22 май  
Президент Ислам Каримов жойларда иқтисодий ислохотларнинг бориши, янги бунёд этилган иншоотлар билан танишиш мақсадида 22-23 май кунлари Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларига ташриф буюрди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга кўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ва «Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарлиқни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди.

23 май  
Ўзбекистон Республикасининг «Банк сирини тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

24 май  
«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти ташкил этилганлигига 70 йил тўлди.

26 май  
Президент Ислам Каримов «Н.С.Юсуповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирини — Агроекономика комплекси раҳбари вазифасидан озод қилиш тўғрисида»ги ва «Н.С.Юсуповни Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида»ги Фармонларга имзо чекди.

27 май  
«Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

Бу йил мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларини ҳамда ўрта-махсус касб-хунар таълим муассасаларини жами 890237 нафар ёшлар битириб, мустақил ҳаётга қадам қўйишмоқда.

Суратлар муаллифи Абдувоҳид ТўРАЕВ

## УНВОН МУБОРАК!

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яқкасарой туман суди раиси Мавжуда Ражабова!

Сизга «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари» мавзусида ёзган тадқиқот ишингиз бўйича ОАК томонидан юридик

фанлар доктори илмий даражаси берилганлиги билан қизгин муборакбод этамиз.

Масъулиятли ишингизда муваффақият, илмий ижодингизда баркамоллик тилаймиз.

Шогирдларингиз



Журналист суриштируви

## ОРЗИЕВНИНГ ОРЗУСИ НИМА?

Хар куни тахририятимизга турли мавзуларда ўнлаб хатлар келади. Газетхонлардан бири юртимиздаги ютуқлардан фахрланиб ёзса, бошқаси ҳаётдаги муаммолардан нолияди. Яна бошқаси эса...

3-бет



## ЮЛФИЧЛАР УЯСИ

6-бет



## ТОШНАМАГАН ХАВИНАЛАР

7-бет

## ҚИЗИК ҚОНУНЛАР

Франциядаги Ла-Лавендера шаҳри ҳокими фуқароларга ўлишни ман этувчи қонун чиқарганига нима дейсиз?

8-бет

## КЕЙИНГИ СОҶДА

Сўз очерки



## ЗАМОНАВИЙ ЭРТАК









**KORRUPSIYA — XAVFLI ILLAT**

Сариосиё туман нефт маҳсулотлари корхонасига тегишли жиноят ишини таҳлил қиларканмиз, масаланинг икки жиҳати эътиборимизни тортди. Биринчиси шуки, жиноятчилар шахсий манфаат йўлида ўзини томдан ташлашга ҳам тайёр бўлишган. Иккинчиси, улар корхона манфаати учун сира жон куйдиришмаган. Келинг, яхшиси воқеани бир бошдан ҳикоя қилайлик. Ўшанда бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

Я.Рамазонов корхона директори ва-зифасида ишлаб, уюшган жинойи гуруҳ манфаатларини кўзлаб иш тутган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»-ги қарори мавжуд. Я.Рамазонов раҳбар сифатида қарор талабларини бажариши шарт эди. Аммо у тумандаги 25- ва 26-ёқилги сотиш шаҳобчаларидаги назорат-касса машиналарига савдо тушумини хотирасида сақлаб қоладиган ускуна ўрнатилишини таъминламаган. Бунинг устига, бош ҳисобчи З.Махмаева билан келишиб, ҳисоботларда кунлик тушумини нотўғри кўрсатишган. Оқибатда 34.992.000 сўмлик бензин ноқонуний равишда сотилган.

Я.Рамазонов узок вақт мобайнида корхонанинг фонд ва тақсимот бўлими бошлиғи В.Махмаева, бош муҳандис Ш.Тоҳиров, ҳисобчи Х.Шодмонов, Узун филиали бош оператори М.Раҳимовлар билан тил бириктириб, ишга танишлари Х.Мирзаев ва Б.Боёновларни жалб этиб, ёқилги-мойлаш материалларини қалбаки ҳужжатлар билан нақд пулга сотиб келишган. Тушум ўзаро тақсимланган.

**QILMISH-QIDIRMISH**

Сўқир отга чўтир от уюр деган нақд хўп топиб айтилган-да. Негаки, Учқўрғон туманининг Ҳамза қишлоғида яшовчи Ҳасан Азизов қаёқда эди-ю, давлатободлик Владимир Заболуев қаёқда? Фалакнинг гардиши билан «кўр кўрни қоронғуда топди». Ёши бир жойга бориб қолса-да, ҳеч бир ишнинг бошидан тутмаган бу иккиси Зиё деган танишлари орқали шаҳарда учрашиб қолишди. Улфатчилик жараёнида бир-бирини обдон билиб олишди. 2002 йил август ойининг бошларида Ҳасан яна Давлатободга келди. Ўзидан тўрт ёш катта биродари Владимирнинг хонадонидан қолиб, маишат уюштиришди. Сухбат чоғида иқтисод масаласида гап бўлди.



# ЮЛФИЧЛАР УЯСИ

Корхона билан «Ифтихор» фермер хўжалиги ўртасида 2001 йил давомида ёқилги-мойлаш материаллари етказиб бериш ҳақида шартнома тузилган. Орадан кўп ўтмай ушбу жамоага мутлақо алоқаси йўқ кишилар — Узун туманидаги «Шохруҳ» фермер хўжалиги бошлиғи Б.Облоқуллов «Бободехқон» фермер хўжалиги бошлиғи Х.Мирзаев билан бирга «Ифтихор» фермер хўжалиги муҳридан фойдаланган ҳолда ўз номига ёзилган қалбаки ишончнома билан корхонага борган. Шуниси ажабланарлики, корхонадагилар тақдим этилаётган ҳужжат сохта эканлигини била туриб, негадир ишни ими-жимида ҳал этиш ҳаракатида бўлишган. Белгиланган мейёр бўйича ҳар бир гектар ер ҳисобига пахтачилик билан шуғулланувчи хўжаликларга йилига 277 килограмм, галлачилик жамоаларига 169 килограмм, шолчилик хўжаликларига 286 килограммдан ёқилги-мойлаш материаллари ажратилиши лозим. Узун туман «Қоратог» фермер хўжаликлари уюшмаси дирек-

тори Ш.Асадов эса атиги 1 гектар ери бўлган «Ифтихор» фермер хўжалигининг 4115 килограмм дизел ёқилгиси олишга фонди борлиги ҳақида маълумотнома берган. Корхона фонд бўлими бошлиғи В.Махмаева буни билса ҳам, ишончномага 500 литр ёқилги берилсин деб ёзиб беради. Ҳисобчи Х.Шодмонов бир зумда юк хати тайёрлайди. Шу тариқа Б.Облоқуллов ва Х.Мирзаевлар «Ифтихор» фермер хўжалиги

учрашади. У эса фермер хўжалигига фонд ажратилмаганлиги ва ҳисоб рақамидан пули йўқлигини рўқча қилиб, илтимосни рад этади. Шу йўл билан уни ёқилги олиш учун пора беришга мажбур ҳолатга келтириб қўяди. Сўнг вазиятдан устамонлик билан фойдаланиб, Х.Мирзаевга Расуловни топиб аврашни буюради.

Х.Мирзаев унинг айтганини қилади. «Қаҳқорбобо» фермер хўжалигидан А.Расулов номига ишончнома олиб келади. В.Махмаева қонунга хилоф равишда 1,5 гектар ери бўлган фермер хўжалиги ишончномасига 2395 литр дизел ёқилгиси берилиши ҳақида ёзиб берган. Хуллас, ўша кунгидеки ёқилги олиниб сотиб юборилади. Улар яна бир неча ҳолатларда шунга ўхшаш «операция» ўтказишган.

Кейинчалик мазкур корхона директорлигига Э.Аъзамов тайинланган. У ҳам жинойи гуруҳ манфаатини кўзлаб ишлаган. Жумладан у корхонага директорлик қилган қисқа муддат ичида жами 70.296 литр ёқилги-мойлаш материаллари ўзлаштирилган.

Мазкур иш жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судида қўриб чиқилди. Я.Рамазонов, Э.Аъзамов, Ш.Тоҳиров, Х.Шодмонов, М.Раҳимовлар ЖКнинг бир қанча моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилди ва уларга тегишли жазо тайинланди.

Вилоят прокуратурасининг ширкат ва фермер хўжаликлари етказилган 8.849.000 сўм моддий зарарни судланувчилардан ундириш тўғрисидаги даъво аризаои қаноатлантирилиб, тўлиқ ундириб олинди.

Жинойи гуруҳ фаолиятига шу тариқа чек қўйилди.

**Х.АБДУВОХИДОВ,  
Сурхондарё вилоят прокурорининг  
ўринбосари**

— Ака, ҳозир қаерда ишлаяпсиз?

— Ҳеч қайда!

— Тирикчилик-чи?

— Ишқилиб, кун ўтиб турибди.

— Демак, сиз ҳам ўзимиздан экансиз. Энди гап бундай, ака. Бирорта машинани гум қиламиз. Харидор топиш, савдонда пишитиш менинг гарданимда.

Оқшом разилликнинг режаси тузилди. Шунга мувофиқ эртасига, яъни 3 август кун иккови Наманган шаҳрини роса кезишди. «КамАЗ» ва бошқа юк машиналаридан иш чиқмади. Ҳамма ҳайдовчиларнинг ёнида шерги бор. Кун бўйи бефойда санқиб, кечкурун «дом»га қайтдилар.

Эртасига яна «ов»га отланишди. Бу сафар енгил машиналарга кўз тикилди. Соат ўнларга яқин шаҳар марказидаги «Соҳил бўйи» бекатига келдилар. Чамалаб, 16 G 1128 рақамли зангори «Жигули»ни танлашди. Ҳайдовчи Аҳмад Аҳмадалиев билан келишиб, Учқўрғонга йўл олишди. Ҳамза қишлоғидаги Ҳасан Азизовнинг хонадонидан анча ўтиришди. Кечкурун Наманганга қайтиб келишди. Эртаси кун Андижонга ҳам Аҳмад-жон олиб борадиган бўлди. Пулини бирийўла олмасиз деб ҳайдовчини кузатиб қўйишди.

2002 йил 5 август. Андижон вилоятининг Избоскан тумани. Ҳасан шу ерлик танишлари Равшан Қоробоев ва Ҳамид Сатимовларга ўзи келган «Жигули»ни кўрсатди.

— Шу машина сотилади. Манави акахонимизники, Россиядан, Челябинскдан олиб кел-

ган. — Майли, ёрдам бераман, — деди Равшан.

Бу гаплардан беҳабар ҳайдовчи икки миҳозо билан уйга қайтди. Эртасига яна Владимир билан Учқўрғонга келишди. Бу сафар уйда Ҳасаннинг ўзи экан. Ичкарига кириб, айвонда гурунглашиб ўтирдилар. Меҳмонлар зеркиб, қарта ўйнашга

тиқиб, дарвозани очинди. Аёл кечаги машинани дарров таниди, лекин негадир ҳайдовчи кўринмади. Сўрида Владимир бир ўзи ўтирибди. Эрининг ҳам чап қовоғи шилинган. Ишдан ҳориб келгани учун индамай ичкарига кирди. Бу орада Ҳасан Владимирни машинага ўтказди-да, кўприк бошида кутиб ту-

тез фурсатда остона хатлаб кириб келишини кутиб юравердилар. Аммо икки ҳафта ўтса-да, Аҳмад-жоннинг дарағи чўзмагач, охири 22 августда милицияга мурожаат қилишди. Бундан аввалроқ, яъни 15 августда Андижон вилояти Улуғнор тумани М.Эминов номи ширкат хўжалиги худудидан оқиб ўтувчи «Ява-9» каналдан қолга солин-

# «ЖИГУЛИ»ГА КЎЗ ТИККАН КОТИЛЛАР

тушишди. Уйин роса кизиган пайтда Владимир мезбонга имлади. Ишга киришиш мавриди етганини билган Ҳасан узунлиги бир метрча келадиган таёқни олиб, Аҳмаднинг орқа миёясига қаттиқ урди. Аммо йигит бакуват экан, ҳушини йўқотмади. Турасолиб, ҳовлига югурди. Ортидан қувдилар. Етиб олиб, Владимир Аҳмаднинг оёғига, Ҳасан эса бўйнига ёпишди.

Бироз ўтиб, Аҳмад кимирлашдан тўхтади. Ҳасан қўллари бўшатди, аммо Владимир унинг ўлганга гумон қилиб, арқон билан пича бўғиб турди. Ниҳоят, иш битди. Энди жасадни йўқотиш учун ертўлага судрашди. Шундоқ ҳам бегуноҳ инсоннинг уволига қолган разил йўқотиш да ҳўрлашди. Бошини танадан жудо қилиб, қопга жойладилар.

Шу пайт кўчадан овоз келди. Бу Ҳасаннинг хотини эди. Шошапиша қопни «Жигули» салонига

ришни тайинлаб, жўнатворди. Салдан кейин ўзи ҳам ҳовлидан чиқди.

Қотиллар мурдани Катта Фарғона каналига ташлаб, «Жигули»ни Андижонга ҳайдашди. Бирок, ҳужжатсиз ва номерсиз машинани сотиб оладиган мард топилмади. Фақат баъзи эҳтиёт қисмларини пуллаб, винога алмаштириб кайф қилишгани қолди.

Устамонлар ўзларича хавфсизлик чораларини ҳам қўриб қўйишди. Беш кундан кейин марҳумнинг қўшинсиникига телефон қилиб, «Мен Аҳмад-жонман, ота-онамга айтиб қўйинг, хавотирланишмасин» деб қўйишди. Бундан сал-пал кўнгиллари хотиржам бўлган Аҳмадалиевлар кенжатоилари

ган бошсиз тана топилган эди. Бу тўғрида вилоят телевидениеси орқали эълон берилган, марҳумнинг хотини мурдадаги белгиларни таниб қолади ва...

Синчковлик билан олиб борилган тергов-суриштирув жараёнларида сўнг ҳаммаси ойдинлашди. Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти Навкент тумани Чўнбағиш қишлоғида яшовчи Раҳмон Мирзаевнинг хонадонига яшириб қўйилган «Жигули» эгаларига топширилди. Суд ҳукмига кўра Ҳ.Азизов билан В.Заболуев 20 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

**Уллубек РАХИМОВ,  
Наманган вилояти  
прокуратурасининг  
криминалист прокурори**

JUMBOQLI DUNYO

(Охири. Боши ўтган сонда)

...Шундай қилиб улар қари Летбрижнинг олдига равона бўлишди.

Чол топилмани диққат билан кўздан кечирди.

— Бир пайтлар, кўпроқ пиво ичиб қўйган махали бобонг менга бу карталарни кўрсатган эди, бироқ уларни қаердан олганлигини айтмади...

Унинг ёзувларни расшифровка қилиш учун карталарни бериб туриш тўғрисидаги таклифига ёш Мак-Гиннис иккилашиб-иккилашиб рози бўлди. Аммо эртасига болалар Оукка келганларида ўзларининг қадрдон қулбалари култепага айланиб, тутаб ётганлигини кўришди.

Воқеа жойига етиб келган полиция бахтсиз ҳодиса юз берганлигини қайд этишдан нарига ўтмади ва Галифаксга қайтиб кетди. Болалар эса ёнмай қолган қандайдир буюмларни топиш умидида култепани титишга

Қисқа маслаҳатлашувдан кейин ҳазина изловчилар қазувни давом эттириш фойдасизлигини англаб, катталардан ёрдам сўрашга қарор қилишди. Уйга боргач, Мак-Гиннис топилма ҳақида отасига ҳикоя қилиб берди. Аммо у шахтани бефарқлик билан кўздан кечириб, ишга жиддий қизиқиш билдирмади.

Даниэл отасининг тушунтиришидан қониқмай, ёрдам сўраб Летбрижларга мурожаат қилди, лекин улар ҳам бунга етарлича қизиқиш билдирмади.

Тўғри, Летбрижнинг бевааси чоли қачонлардир унга қандайдир иероглифлар ўйиб ёзилган тошни кўрсатиб, бу улкан ҳазина билан боғлиқлигини айтганини эслади ва тошни оғилхонадан топиб чикди. Тошда ҳақиқатан ҳам шифрланган ёзув бор эди. Лекин тош ҳам, ундаги сирли ёзувлар ҳам болаларни қизиқтирмади.

Ферманинг янги хўжайини — Жо Селлерс ўтмишда капитан бўлган, Британия қироллик ҳарбий-денгиз флотининг кўплаб кемаларида хизмат қилган эди. Брикстон учун бўлган жангда капитан бир оёғидан ақралиб, жароҳат туфайли 60 ёшида истеъфога чиқиб, туғилиб ўсган жойи — Галифаксга қайтиб келди.

Селлерс пулини нимага сарфлашни билмай юрган одам эди дейиш...



ТОШИЛАМАТГАН ХАЗИНАЛАР

тушдилар. Оукнинг ҳазиналар ороли сифатидаги тарихи мана шу ердан бошланади.

ПУЛЛИ ШАХТА

Култепани қовлашаркан, болалар ёниб кетган кулба сатҳига тош плита тўшалди, қалин тупроқ қатлами билан қопланганини аниқлашди.

Мана, нима учун чол оролни тарк этгиси келмаган! Бироқ бу ерда бошқа савол пайдо бўлди: нега истеъфодаги матроснинг ўзи бу бойликдан фойдаланмаган?

Ушанда Даниэл бу ҳақда узоқ ўйлаб ўтирмай, ўртоқларига биттадан белкуррак бериб, қовлашни буюрди.

оёқ остида эканлиги маълум-ку. Фақат уни қовлаб олиш керак ҳоло.

Бироқ бу уларнинг имконияти доирасидаги иш эмас эди. Тўғри, болаларда қовлашга қувват ҳам, истак ҳам бор эди.

Шу қундан бошлаб Селлерс кундалик тутта бошлади ва у ҳозирги қунгача сақланиб қолган. Ундан аён бўлишича, 1813 йилдаёқ истеъфодаги денгизчи кўплаб кашфиётлар қилганки, адабиётларда улар негадир бошқа кишиларнинг номи билан боғланади.

Даниэл Мак-Гиннис билан илк бор учрашганидан сўнг орадан 6 йил ўтган, Селлерс етарлича маблағ тўплаб, Летбрижлардан фермани сотиб олди.

Ийгитлар 1805 йилги ишлари тўхтаб қолган белгидан тезда ўтиб, 15 метр чуқурликда кокос

шахтани диққат билан кўздан кечиргач, ҳазина изловчилар сифига қўшилишга қарор қилди. Қўлтиқтаёқда оролни бошдан оёқ кезиб чиқиб, диққатга сазовор нарсаларни топди.

Даниэл Мак-Гиннис билан илк бор учрашганидан сўнг орадан 6 йил ўтган, Селлерс етарлича маблағ тўплаб, Летбрижлардан фермани сотиб олди.

Ийгитлар 1805 йилги ишлари тўхтаб қолган белгидан тезда ўтиб, 15 метр чуқурликда кокос

пўчоқларидан иборат қаттиқ қатламга дуч келишди. Яна уч метр чуқурликда эса кўмирга айланган гўла қатлами бор экан. Ундан ҳам чуқурроқдан дуб гўлаларидан иборат тўсик чиқди.

Уларнинг сирини очишга ҳаракат ҳам қилиб кўришмади. Асосийси — оёқ остида ётган ҳазинани топиш керак эди.

— Бу навбатдаги гўла қатлами бўлса керак, — дея тахминини билдирди Селлерс.

Ҳазина миқдори ҳақида Селлерснинг кундалигида ҳеч нарса ёзилмаган. Қандайдир номаълум сабабга кўра кундалик фермада қолдириб кетилган.

Ҳазинани топгач, Селлерс ва шериклари қабқа қатгани номаълум. Топилмани бўлиб олгач, улар нафақат Оукдан, балки бутун Янги Шотландиядан чиқиб кетишган бўлса керак.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Ta' sischilar:

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Bahriiddin Valiyev, Dilshod Islomov (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir Sharofboyev (mas'ul kotib), Lola Shomurodova, Hasan Inoyatov, Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'ltisida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy. Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar: 133-82-34. E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar eagariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi. Korxonada manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 332 Nuxsasi - 15677

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi. Nvbatchesi muharrir: Z.MAMADALIYEV Musahhib: F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00 Bosmaxonaga topshirildi 18.00

### 1 июль — қалқаро болаларни қаймоқ қилиш куни



А. ТУРАЕВ олган сурат.

## VO AJAB ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Калифорниялик 35 ёшли Эрма Осборн 2 ёшли фарзандини ишонасига олиб келиб, уни кир ювиш машинасига солган ҳолда юмушларини бажариб юрган. Бир кунги Эрма боласини бошқа, автоматик тарзда ишлайдиган кир ювиш машинасига солган. Қопқоғи ёпилиши билан машина ишлаб кетган. На она, на кирхонадаги бошқа кишилар болани кутқариб олишолмагач, полицияга хабар беришган. Тезда етиб келган полициячилардан бири машина эшиги ойнасини синдириб, болани кутқариб қолишга муяссар бўлди. Бола машинадан олинганда хушсиз ҳолатда эди. Касалхонага олиб боришганида кўплаб кўкарган ва кесилган жойларини кўрган врачлар боланинг аҳволи оғир эканлигини айтишди. Боласига эҳтиётсиз муносабатда бўлгани учун қамоққа олинган Эрма Осборн 10 минг доллар жарима тўлагач, озод қилинган.



## BU QIZIQ

Маълумки, биринчи қонунлар тўплами бундан уш минг йил аввал Бобил шоҳи Хаммурапи томонидан тузилган. Шоҳ ўз асарини, яъни ўша ўзига хос биринчи кодексни «Менинг сўзларим ажойиб, менинг ишларим беқийсдир» деган сўзлар билан тугатган. Шундан бери дунёда қанчадан-қанча қонунлар қабул қилинмаган дейсиз. Уларнинг баъзилари ҳозирги кунда ҳам тўғридан-тўғри тушунарли бўлса, айримларини ўқиб, ўйлаб ўйингга етолмайсан киши. Эътибор бering: АҚШнинг Калифорния штатида спиртли ичимликларни сотиш тунги соат 2 дан кейин ман этилади. Айтайлик, соат 2 дан кейин биронта ресторанда спиртли ичимлик сотилганлигини пайқаб қолган полициячилар официантга 1000 доллар жарима солиб, ахлат йиғиштириш бўйича тўрт кунгача мажбурий ишга жалб этишлари мумкин.

## ҚИЗИҚ ҚОНУНЛАР

Нью-Жерси штатида ҳайвонот боғидаги ҳайвонларни спиртли ичимлик ёки сигарет билан «меҳмон қилган» кишилар 3 йил озодликдан маҳрум этилади. Юта ва Аризона штатларида эса эркаклар ташқарида ҳаво 40-45 даража иссиқ бўлишига қарамай, кўйлак остидан албатта футболка кийиб юришлари шарт. Тўғри, футболка киймаган эркакларни полициячилар «биғиллатиб бўғиб» турмага тикмасликлари мумкин, аммо дўкон, тамаддиҳона ва банкларда бундай «қонунбузарларга» хизмат кўрсатилмайди.

оғзидан саримсоқ ҳиди келиб турган ҳолда жамоат жойларида пайдо бўлса, 100 доллар жарима тўлашга мажбур бўлишди.

АҚШдан фарқли ўларок, Европа мамлакатлари ўзларининг минг йиллик тарихида давомиди барча нарсани, айниқса қонунларини тартибга солиб олган бўлишлари лозим эди. Аммо бу ерда ҳам шундай, қулоқ эшитмаган, тасаввурга сиймайдиган қонунлар бор экан. Шундай бир воқеани ҳикоя қилаётган ва ҳозирга қадар бекор қилинмаган бир қонун бўйича ўқув юрти сессия пайтида талабаларни бепул ичимлик билан таъминлаб туриши шарт экан. Деканат ходими довдираб қолмаган. У сўралган пивони ҳамда талаба тўлаб қўйиши лозим бўлган 9 фунт-стерлинглик жарима қозонини келтиради. Зеро, айнан ўша қонунга қўра, талабалар имтиҳон топширишга келган чоғларида тўлиқ рицарча кийиниб, қўлича тақиб олишлари шарт экан. Шундай қилиб, «тоқир талаба» бир литр пивони бепул ичман деб, 9 фунт-стерлинг жарима тўлаган. Энг асосийси, қонун бузилишининг олди олинган. Аммо буларнинг ҳаммаси ҳовла экан. Франциядаги Лавендера шаҳри ҳокими фуқароларга ўлишни ман этувчи қонун чиқарганига нима дейсиз?

«Маҳаллий қабристон тўлиб кетганлиги, мейитларни дафн этишга жой қолмаганлиги ҳамда қабристонни кенгайтиришнинг иложи йўқлиги» сабабли ушбу қонун чиқарилган экан. Ҳуқуқбузарлик содир этиб «ўлиб қўйган» кишиларга қандай жазо қўлланиши ҳали ҳам номаълумлигича қолмоқда.

Й.ПАРДА тайёрлади

### SHANVORE Тузувчи: К. БОҒБЕКОВ

|                  |                  |              |                 |  |               |                        |           |          |
|------------------|------------------|--------------|-----------------|--|---------------|------------------------|-----------|----------|
| Хориқ фирмаси    | Шажар Афғонистон | Трубка       |                 |  |               |                        |           |          |
|                  |                  | Гул тури     |                 |  |               | Дунё томони            | Мева      |          |
| Давлат (Африка)  | Ранг             | ...          | Блан (футболчи) |  |               |                        |           |          |
|                  |                  |              |                 |  | Кават         |                        |           |          |
| Бахт             | Образ «Буратино» |              |                 |  | Брос...       |                        | Шифокор   |          |
| Сигниш           | Катта қоп        | Мебель қисми |                 |  |               |                        |           | Тан олиш |
|                  |                  |              |                 |  | Улғов бирлиги |                        |           |          |
| Қирал ...        |                  | Солиқ        |                 |  |               |                        | Тўғма доғ |          |
|                  |                  | Вакуум       |                 |  |               |                        |           |          |
| Орол (Индонезия) | Мажҳуд           |              |                 |  | Палоя         |                        | Зағар ... |          |
|                  |                  |              |                 |  |               | Астон ... футбол клуби |           |          |
| Вилоят (Ҳаб.)    | Мистор ...       | Зибн         |                 |  |               |                        |           |          |

### Назм гулшани

#### Чўлпон СЎЙГАН ЧОҚЛАРДА

Гўзалларнинг маликаси экансан, Буни сенинг кўзларингдан ўқидим. Ҳудудим-да истиқболим қушига Хаёлимдан олтин қафас тўқидим. Гунафашалар қулогимга маҳдунини Сўзлаб-сўзлаб чарчадилар, битмади... Аламзада бўлбўли йиғлаб, кечалар Аламнингнинг сўнгинг тамом этмади. Қўзингданги хижоининг мазмунин, Шоир бўлсам, айтиб-айтиб йиғлардим. Ушал, эски жароҳатли қалбимни Сатрларнинг наштари-ла тилардим. Хаёлимнинг қип-қизилдан кийинган Парилари, ҳурларини кўрдингми? Аламнингдан гуллар экан йўллардан Коинотга ҳаёт сочиб юрдингми? Йўларингдан шеър айтса сўлган барг, Қулогимга мусиқалар келтирур. Қачон сенинг мусиқали овозинг Сенинг мени сўйганингни билдирур?

## BU AJIB DUNYO

### УЧИНЧИ ЎРИНДА

Норвегиялик автомобиль импорти билан шуғулланувчи фирма соҳиб маск ҳолда рулга ўтирганлиги учун 200 минг крон (30 минг доллар) жарима тўлади. У бир йил олдин мамлакат пойтахтида қондан бузган бўлиб, жарима суммаси яқиндагина эълон қилинди. Норвегия қонунларига биноан, жарима миқдори қондабузарнинг даромадлари тўғрисида 2001 йили тақдим этган декларациясидан келиб чиқиб белгиланди. Бирок ўша йили у катта миқдорда солиқ тўламаслик мақсадида Фирмаси маблагларининг бир қисмини ўзининг шахсий ҳисоб рақамига ўтказган экан.

Бизнесмен «Роллс-Ройс» машинасини туширдан сўнг озроқ вино ичиб бошқарганини тан олган ҳолда, маск бўлиб қолганини инкор этмоқда.

Дунёда бундай йирик миқдорда жарима тўловчилар кам учрайди. Унгача финляндиялик компьютер провайдери, миллионер Якко Ритсоля 500 минг фин маркеси (70 минг доллар), Nokia корпорацияси директори Анеси Ванйёски эса 116 минг евро миқдорда жарима тўлаган эдилар.

## 9-сентябр

Аён марга  
қўйилган кўзларид  
шайларнинг қўйилган,  
қўйилган қўйилган  
қўйилган қўйилган

## BOLANING TILI SHIRIN

Кичкина Достон уйда ёлғиз қолибди. Уйларига ўғри келиб, эшик кўнғирогини чалаётган эмиш. Достон эшикни очибди-ю, лекин эшикча занжир илинганлиги сабабли, одам қўли ўтадиган бўлиб очилибди, холос. Ҳар: «Жиян бола, чанқов босдига сув олиб кел», деб илтмос қилибди.

Бола сув олиб келгунича, ўғри занжирни темир арра билан арралашга киришибди.

Сув келгандан кейин, уни ичиб яна сувга юборибди (шундай қилиб Достон сувга 3-4 марта қатнабди). Лекин ўғри занжирни барибир арралаб бўлмабди. Олтинчи гал:

- Жиян, яна ширин сувингдан олиб кел, — деса Достон унга;
- Амаки, амаки, унитаздаги сув тугаб бўлди, кранга эса бўйим-етмайди ҳали, — деб жавоб қилибди.

Ўғил отасидан сўраярпти:

- Дада, алкаш дегани ким?
- Хўш... сенга қандай қилиб тушунтирсам экан...

Ху-ув анави тепаликда тўртта теракни кўрясанми, кимнинг қўзинга улар саккизта бўлиб кўринса, ана ўша — алкаш ҳисобланади.

- Дада, у тепаликда терак иккита...

Она олти яшар ўғлига:

- Яна яп-янг иштонинг билан кўлмакка йқилибсан-а!
- Ойижон, шу қадар тез йқилдимки, иштонимни ечишга улгурмадим.

Тўпловчи: А.НИШОНОВ

## ДОНОЛАР ЭМИШКИ...

Агар киши бирор ишни оҳисталик ва оғирлик билан бошласа, уш иш кўнғил истаганидек анжом топар. Агар киши ишни энгилталик билан бошласа, кўзлаган мақсади ҳосил бўлмай хижолатга қолаур.

Улғулар айтиббурларки, барча инсонлар ақла ва ҳаққотбиллар. Ақ эса тажрибага суянади. Чунки тажриба ақлнинг ойнасидур. Ҳаёт тажрибаси кўп умр кўриш натижасида ҳосил бўлуур.

Яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлиш бахту давлат келтиради. Ёмонлар билан бирга бўлиш афсус ва надоматга йўқитиради.

Тақабурлик қилиш орқали кишилар ўзгалардан нуқсонларини яширишмоқчи бўлишлар. Аммо шунч билмай-диларки, тақабурлик ҳислати аслида уларнинг нуқсонларини ошқор қилиб, беоғру қилуур.

Ўтганларнинг охираги обод бўлини!

Қашқаларё вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютга оид қишлоқларга қарши курашиш боққармаси жамоаси Шаҳрисабз туман бўлимини катта суриштирувчиси Ш. Холиқулова онаси **ТУРСУНОЙ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.